



6-қисм

Улар турмуш қуришганини яширишни хоҳлайдилар

САВОЛ: Мен Исломни қабул қиялман, лекин буни оиламга айтишга жуда қийналмоқдаман. Расмий эълон қилиш вақти келгандагина шундай қилмоқчиман. Исломий сабаблар билан мен яна (аёли ва болалари бўлган) бир кишининг аёли бўлишни ҳам хоҳлайман. У бизнинг никоҳимизни ўз оиласига айтиши керакми? Биз эса ҳеч кимнинг қалбини вайрон бўлишни хоҳламаймиз. Мен ишонаманки, Аллоҳ таоло мени ҳидоятга бошлагани каби сиз ҳам менга тўғри йўлни кўрсата оласиз.

Жавоб: Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!

Сиз ўз Исломингизни хоҳ расмий бўлсин, хоҳ оилангизга бўлсин эълон қилишга мажбур эмассиз ва бирон-бир зарар етиб қолиш хавфи бўлганда махфий сақлашга рухсат бор.

Никоҳга келсак, суннатга кўра бу эълон қилинади, чунки расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Никоҳни эълон қилинглари”, -деганлар. (Имом Аҳмад “Муснад”ларида келтирган, “Саҳиҳ ал-Жамеъ”да ҳасан дейилган, 1072). Агар никоҳ бир шаҳар ёки маконда эълон қилинса бошқа жойда эълон қилинишига ҳожат йўқ, аммо биз никоҳингизни мутлақо яширишларингизни маслаҳат бермаймиз.

Аллоҳ куч-қудрат соҳибидир.

Шайх ал-Мунажжид



Ислом Нури

Унаштириш ва никоҳ ақди ўртасида, никоҳ ақди билан тўй ўртасида нима қилинади?

САВОЛ: Исломий никоҳда, унаштириш ва никоҳ ақди ўртасида қилинадиган удумлар нималар? Унаштириш билан валийма-тўй ўртасидаги урфларнинг аҳамияти қандай?

Жавоб: Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!

Унаштирилган кишининг қаллиғи билан муносабати, кишининг номаҳрам билан қиладиган муносабати кабидир. Никоҳ ақди тамомланмагунча, эркак аёл билан бирор-бир жинсий алоқа қилиши жоиз эмас. Агар никоҳ ақдидан сўнг ва валиймадан олдин бўлиши мумкин бўлган эр-хотин алоқалари ҳақида сўраладиган бўлса, бунга жавоб: улар тўла эр-хотин муомалаларини қилиб кўнгил очишлари мумкин. Ал-Лажна ад-Даима лиъл-ифтаъи: Фатава Исламийя, 3/154.

Шайх ал-Мунажжид